2003 YIL 4 IYUL, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№85 (6.610). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА



СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЮРТ КАМОЛИ (2-саҳифада)

ОХИРАТНИ ЎЙЛАМАГАНЛАР (4-саҳифада)



ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ (1-3-саҳифаларда)

# АҚШ ЭЛЧИСИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ



***Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар ҳозиргидек юксак даражага чиқиши ва мустаҳкамланишида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбстнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

Жумладан, у мамлакатимизда дипломатик миссиясини бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан АҚШга борди. Ушбу ташриф асносида икки мамлакат ўртасида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация алоҳида ўрин тутади.

Президент Ислом Каримов 3 июл куни Оқсаройда Ж.Хёрбстнинг Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етгани муносабати билан уни қабул қилди.

- Ўзбекистондаги фаолиятингиз жуда самарали бўлди, - деди учрашувда Президент. - Бу вақт оралиғида мамлакатларимиз стратегик ҳамкор давлатларга айланди.

Ислом Каримов икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, айни пайтда у муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилаётганидан мамнуният изҳор этди. Шуни назарда тутиб, муносабатларимиз истиқболига ишонч билан қараш учун барча асослар етарли эканлигини айтди.

Ж.Хёрбст мамлакатимиз раҳбарининг сўзларини мамнуният билан қабул қилишини таъкидлади. Ўзбекистон ҳукумати АҚШ дипломатия ваколатхонаси билан мустаҳкам алоқада бўлиб, яқин ҳамкорлик қилиб келгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўлидаги хизматлари учун Жон Хёрбст Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланганини маълум қилди ва элчига мазкур орденни топширди.

Мамлакатимиз раҳбари америкалик дипломатнинг келгусидаги ишларида муваффақият тилади.

Ж.Хёрбст юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди ва Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверишига ишонч билдирди.

***

**СУРАТДА: қабул пайти.**
А. ТЎРАЕВ
(ЎзА) олган сурат.

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 2003 йил 5-6 июл кунлари Алмати шаҳрига ташриф буюради.

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2003 йил 6-7 июл кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши режалаштирилмоқда.

## ПАҲЛАВОН МАҲМУД ВОРИСЛАРИ

***Хоразм диёридан етишиб чиққан Паҳлавон Маҳмуд буюк мутафаккир, шоир, жавонмардлик тариқатининг йирик намояндаси бўлиш билан бирга сафарлари давомида катта давраларда кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳеч қачон мағлуб бўлмаган. Шу сабабдан ҳам халқимиз, хусусан, хоразмликлар уни "Полвон пийр", "Полвон ота", деб эъзоз этадилар. Демакки, курашга, спортга ташналик Хоразм ёшларининг қон-қонига сингиб кетган.***

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 31 октябрида қабул қилинган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Қарори ёш авлодни спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш, уларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш борасидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасида яна бир имконият яратди. Билим масканлари, аҳоли яшаш жойларида болаларнинг спорт билан шуғулланишларига катта эътибор берила бошланди.

Янгиариқ тумани ёшларининг кейинги вақтларда ютуқларни мустаҳкамлаб бораётганликларини мазкур қарорнинг самараси, дейиш мумкин. Туман бўйича 7-16 яшар болалар 21 минг нафардан ошиқ. Улар 40 та умумтаълим мактабида таълим-тарбия олишади. Бу билим даргоҳларининг 3 тасини иқтидорли болалар лицейи, 2 тасини санъат ва жаҳон тиллари гимназияси ташкил қилади. Синфдан ташқари машғулотлар олиб борувчи 2 та спорт мактаби бўлиб, уларнинг биринчисида 690 нафар ўқувчи дзюдо, турон кураши, якка кураш, қўл тўпи билан, иккинчисида эса ёшлар футбол ва волейбол турлари бўйича шуғулланадилар. 8324 нафар ўқувчи жалб қилинган мактаблардаги тўгаракларда юқорида айтилганлардан ташқари катта теннис, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, бадиий гимнастика машғулотлари мунтазам олиб борилади. Шу боис туман ёшлари кейинги йилларда доимий тарзда ўтказилиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Қувноқ стартлар" мусобақаларида қатор ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. 2001-2002 ўқув йилида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида туман спорт жамоалари ўн бир спорт туридан якуний ҳисобда 5-7 синф ўқувчилари ўртасида 3-ўринни, 8-11 синф ўқувчилари ўртасида эса 4-ўринни эгаллагандилар. Жумладан, 5-7 синфлар ўртасида дзюдо, қўл тўпи бўйича қизлар жамоалари биринчи, шахмат ва волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси иккинчи, қўл тўпи, футбол ва енгил атлетика жамоалари учинчи ўринни эгалладилар. 8-11 синфлар ўртасида кураш, белбоғли кураш бўйича ўсмир йигитларнинг 1-ўринни эгаллаганликлари айниқса қувончли бўлганди.

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

Шу йилнинг май ойида вилоятимизда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари-2003" республика босқичида иштирок этган Гулнора Ҳамроева мураббийлигидаги қўл тўпи қизлар терма жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритганлиги боис туманга 12 та кумуш медаль тақдим қилинди. Файзулла Хўжаев номли ўрта мактабнинг битирувчи синф ўқувчиси Мадамин Рўзметов "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг кураш тури бўйича Республикада 1-ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳиби бўлди ва тест синовларисиз алоқадор олий ўқув юртларидан бирига кириш йўлланмасини қўлга киритди. 2000 йилдан буён 6 нафар янгиариқлик ўқувчилар шундай ҳуқуққа эга бўлишгандi. Кейинги йилларда маҳаллалар, қишлоқлар ўртасида мусобақаларга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Таган қишлоғида қилинаётган ишлар айниқса ибратлидир. "Наврўз" ширкат хўжалиги раиси Иброҳим Қурбоновнинг ёшларга эътибор бераётганидан қишлоқлардан иқтидорли спортчилар етишиб чиқмоқда.

Ўтган йил туманда Кенжа Оллоназаров, Ибодулла Иброҳимов, Жуманазар Ёқубов сингари эл ардоқлаган кишилар хотирасига бағишлаб олти маротаба турнир ўтказилди. Тадбирларга мазкур кишиларнинг фарзандлари, яқинлари ҳомийлик қилдилар.

- Муваффақиятлар билан бир қаторда муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, - дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими методисти, жамоатчилик асосида "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти раиси Иброҳим Шаропов, -ишларни ҳамма жойда бирдек намунали, деб бўлмайди. Мавжуд 40 та умумтаълим мактабининг 26 тасида спорт зали, 32 тасида спорт майдончаси бор. Айрим мактабларда баскетбол, қўл тўпи ва футбол майдончалари етишмайди. Ҳамма маҳаллаларда ҳам ёшларга мураббийлик қилиш бир хилда эмас. Қаерда эътибор кучли бўлса, шу ердангина совриндорлар кўплаб етишиб чиқмоқда. "Умид ниҳоллари" мусобақасида биргина Таган қишлоғи ёшлари 13 та кумуш медални қўлга киритганликлари фикримиз далилидир.

Бу ердаги ишлар билан яқиндан танишар эканмиз, Юртбошимиз қарорларидан кейин соҳага эътибор кучаётганлигининг гувоҳи бўлдик, ёшлардан кўпроқ Полвон пийр издошлари етишиб чиқишига ишондик.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ хаёти" мухбири.**





● Қарши туманидаги «Аёл тараққиёти» нодавлат нотижорат ташкилоти «Евроосиё» жамғармасининг 22 минг 525 АҚШ доллари миқдоридаги грантини қўлга киритди.

● Қарши шаҳридаги «Эски мачит» театр студияси Қирғизистонда бўлиб ўтган «Арт Ордо» I Халқаро театр фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади.

● Тошкент давлат техника университетида таълим ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришда янги ахборот ва замонавий технологияларни қўллашга бағишланган халқаро илмий семинар очилди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жанубий Корея Логос менежмент уюшмаси (КАЛМ) ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳамкорликда ташкил этди.

● Қарши шаҳрида Марказий Осиёга Беғараз Ёрдам (CAFE) ташкилотининг ташаббуси билан халқаро кутубхона ташкил этилди.

● Тошкентда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси фаоллари йиғилишида «Экосан маҳаллада» мақсадли дастурнинг амалга оширилиши муҳокама этилди.

● Сирдарё вилояти марказидаги спорт мажмуида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси корхоналарининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган болалар спорт кийимлари доимий ярмаркаси очилди.

● «Тадбиркор аёл» уюшмаси Қизилтепа туман бўлими АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси грантини қўлга киритди.

● Жиззах шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг спорт залини шу мактабнинг собиқ битирувчилари таъмирлаб берди. Афғон урушининг фахрийлари Фарҳод Одилов ва Фурқат Ортиқов ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишни мактабнинг бошқа собиқ ўқувчилари қўллаб-қувватлади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖОН ЭДВАРД ХЁРБСТНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшганлиги, шунингдек иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Жон Эдвард Хёрбст «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 июль

## АҚШ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

***Тошкент. (ЎзА мухбири Элбек Холиқов). Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ва «Ўзбекистон-АҚШ» дўстлик жамияти АҚШ мустақиллигининг 227 йиллигига бағишланган тадбир ўтказди.***

Унда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўзаро манфаатдорлик, ҳурматга асосланган ҳолда муттасил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида муштарак қарашларга эга. Ўзбекистон АҚШни терроризмга қарши курашда қатъий қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг 11-14 март кунлари мазкур давлатга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар дўстона муносабатлар тарихида ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Икки мамлакат ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзолангани бундан яққол далолатдир.

Йиғилишда сўзга чиққан дўстлик жамиятлари кенгаши раиси, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, «Ўзбекистон-АҚШ» дўстлик жамияти раиси, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст ва бошқалар икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ва дўстона алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбек ва америка куй-қўшиқ, рақсларидан иборат бадиий дастур тадбирга алоҳида файз бахш этди.

## ҲИСОБДА АДАШМАНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ

***Фермерни далада, техника олдида учратдим. Ўрта бўйли, сўзлаганда қошларини чимириб-чимириб қўядиган киши. Бир қарашда содда, бўш-баёв кўринади, гурунг қилиб сезасизки, анойи эмас. Тийинни текинга сарфламаслиги шундоққина аён бўлади-қолади.***

-Янги иш бошлаганимда банкир оғайнимдан маслаҳат сўрадим, - дейди Азамат Қобилов. – Пул халтангни етти жойидан тугиб қўй, керак маҳали зиқналик ҳам қилма, деди. Яна у кўпчилик исрофгарчилик нима эканлигини билмайди. Масалан, эски тузум - ҳамманинг юрагига ғулғула солиб, тўкин яшаётганимизга ишонтирган шўролар давлати нега чок-чокидан сўкилиб кетди. Ҳисоб-китобнинг нотўғри эканлигию нимани қаерда тежашни билмаслик оқибатида. Айтайлик, ўша маҳаллар дўкондорни 2-3 тийин чойчақа учун бўғиб қамашдию, колхозу совхозларда бензин, солярка, ўғит дегани ҳовузга тўкилди. "Исписат" қилиш учун, шунча ишладик, деб ҳужжат тўлдириш учун... Тийинни кўрдигу миллионлардан кўз юмдик. Бу ғалати ҳолат жамиятни ичдан емирди-да. Шунинг учун ер соҳиби ҳар бир ҳисоб-китоб ишини бухгалтерияга ишонмасдан ўзи, чўтга ташлаб назорат қилиши керак.

**ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**

Қобиловлар оиласи учта фермер хўжалигини бошқаради. Бирида Азамат ака, қолган иккитасида укалари иш бошқарувчи.

"Абу-Хурайро", "Абу Толиб" ва "Албарака" фермер хўжаликлари Гулистон туманидаги 600 гектар ерга деҳқончилик қилаяпти. Техника етарли, ҳатто қўшниларга ҳам техника хизмати кўрсатилади.

–Улови йўқ, ерга ишлов берадиган ҳеч бўлмаганда битта техникаси бўлмаган фермерга ер бермаслик керак, - дейди Азамат ака. - Чунки ҳозир МТПнинг "Магнум"лари бир гектар ерни 20 минг сўмга шудгор қилаяпти.

(Давоми 3-бетда)

**ҚАДРИЯТ**

## БАШАР МУЛКИ

***Самарқанд ҳуснихатлари билан ибрат мактаблари яратган ҳаттотлар юрти экани билан ҳам машҳурдир. Шуни ҳисобга олган Самарқанд давлат музейи қўриқхонаси жамоаси Шарқ нодир қўлёзмалари кўргазма залига асос солдилар.***

Кўргазмадан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг султонларга йўллаган номаларидан нусхалар, муборак Қуръони Каримнинг халифа Усмон даврида терига битилган ноёб асл нусхаси ва бошқа кўчирмалари, Ҳафтияк қўлёзмалари, Фузулий, Бедил, Низомий Ганжавий, Ғаззолий каби ўнлаб алломалар асарлари қўлёзмалари, суғд даври тош битиклари, қадимий тангалар, қаламдонлар, жузгир ва лавҳлар ҳам нодирлиги билан ҳайратлидир.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида очилган ушбу кўргазма зали америкаликларнинг ислом маънавиятига, халқимизнинг қадим маданиятига нақадар катта эъзоз билан қарашларидан далолатдир, албатта.

**ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ**

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 5 та ноёб касб-ҳунар коллежининг ҳар бирига Япония ҳукумати томонидан 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредит ажратилди.

(Давоми 2-бетда)

## "БИОСЕРВИС": ҲАШАРОТНИНГ КУШАНДАСИ БИЗДА БОР

***Яқин-яқингача Наманган вилояти ҳосил зараркунандаларига қарши курашда "биологик усулнинг ватани" ҳисобланган. Бу ерда нафақат республикада, балки собиқ Иттифоқ давлатлари орасида ягона – фойдали ҳашаротлар ишлаб чиқарадиган биофабрика ташкил этилган... Ва бунинг ташкилотчиси ажойиб тиниб-тинчимас инсон Николай Меликович Еремиянц эди.***

* * *

Машҳур биофабрикани бориб кўриш истаги туғилди.

Бизни у ерга вилоят "биобашоратусул" лабораторияси бошлиғи Дилмурод Қодиров бошлаб борадиган бўлди.

-Икки оғиз ташкилот ҳақида гапириб берсангиз, - дедик йўл-йўлакай Дилмуродга, - қолаверса, хўжаликларда бўлганимизда илдиз куркусак куртиги, ўргимчаккана, қарши курашда биологик усул билан биргаликда кимёвий усулда ҳам курашаётганларининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳақда нима дейсиз?

**МАВСУМ**

-Хўп, - деди Дилмурод кулиб, - бизнинг вилоят "Биобашоратусул" лабораториямизда 36 киши меҳнат қилади. Асосан икки йўналишда иш олиб борамиз. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари касалликлари ва бегона ўтларнинг ривожланиб кўпайиши ва тарқалишини олдиндан башорат қиламиз, иккинчидан, вилоятдаги 1 та биосервис, "Қишлоқхўжаликкимё" туман бўлимлари қошидаги 11 та, ширкат хўжаликларидаги 10 та биолабораториялар фаолиятини мувофиқлаштириб борамиз.

Энди иккинчи саволингизга келсак, бизда ҳосил зараркунандаларига қарши курашда уйғунлашган тизим йўлга қўйилган. Яъни фақат биологик усулдагина ҳосил зараркунандаларига қарши юз фоиз курашиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

**ҲИКОЯ**

## ҲАЛҚАЛАР...

***Ёз фасли.***

***Соя-салқин, қуюқ дарахтзорда тўртала эшиги ҳам ланг очиб қўйилган, янги, яшил рангдаги "Нексия" кўринади.***

Унинг салонидаги магнитофондан "Оламни асранг, дўстлар", деган ажойиб қўшиқ янграмоқда. Машинадан сал наридаги кўм-кўк майсазорда учта йигит дам олмоқда. Улардан иккитаси қўлларини бошлари тагига қўйиб, мовий осмонни, тепаларида бўй чўзган азим чинорни томоша қилмоқдалар. Атрофда қушларнинг хушнаво сайрашлари эшитилади.

Учинчи йигит эса кўзларини юмганча мудрамоқда. Афтидан кўпроқ "олган"га ўхшайди. Ўрталарида ёзилган газета-дастурхонда турли нозу неъматлар тўлиб-тошган, бир-иккита бўшаган шиша яқинроқда думалаб ётибди...

Йигитлардан бири, тўладан келгани, Собиржон томоқларини тақиллатди:

-Бай-бай-бай! Қандай гўзал-а, табиатимиз! Булбулларнинг хонишини, ариқдаги зилол сувларнинг шилдирашини эшитиб тўймайди, киши...

Иккинчи йигит, озғин, сариқ Йигитали ҳузур қилиб керишди:

-Нимасини айтасан! Мана бу тепамиздаги чинорни кўр! Икки юз йилча бўлгандир, экилганига! Учи нақ осмонга етади-я!

(Давоми 4-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ШАЙТОН ЙЎЛДАН ОЗДИРДИ

ОМАДСИЗ ЖАҲОНГАШТАЛАР

КОВУШИМ




## РОГАТКА

***-Рогаткангг жойидами, жиян? – кучоқ очди тоға ўттиз йил бурунги гапни қўзғаб.***

...Раҳмонжон беш ёшларда эди, тоғаникида меҳмон бўлди. Ҳазил-ҳузул деса ўзини томдан ташлайдиган тоға "жиддий" тусда сўз бошлади:

-Кечқурунлари кеннойинг нонсандиққа қулф уради. Ана иннайкейин бола бечоралар ўзини томдан ташласинки, битта увоқниям кўрсатмайди. Эрталабгача очликдан биғиллаб чиқади...

Тўшакда ҳам бир бурда нон кавшаб, иккинчисини ёстиғига бостириб уйқуга кетадиган жияннинг юрагига ғулғула тушди. Тоға буни опасидан эшитганди-да: Ноилож қолган бола дастурхондаги икки бўлак нонни "кўзлаб" тургандики, бирини тоға олиб ғипиллатаверди. Жиян "чапдастлик" билан сўнгги бурдани кўрпача тагига яширди, тоға ўзини кўрмаганга солди.

Атай чироқни ўчирмаган ҳазилкаш мезбон бақрайиб ётибди. Тимирскиланавериб ҳеч нарса тополмаган жияннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. (Негаки "ўлжа" аллақачон "ўғирлаб" қўйилганди).

-Ҳа, Раҳмонжон, бирон нима йўқотдингми? – "бепарво" сўз қотди тоға.

Энди ҳиқиллай бошлаган жиян "сир" очилишидан ҳадиксираб ғўлдиради:

-Рогаткам...

Кеннойи койинди:

-Илоё ҳазилингиз қурсин. Бола бечорани куйдириб нима маъни топасиз?

Шум тоға қаҳ-қаҳ урди:

-Рогаткангг манавимасмиди?

Бола беихтиёр бошини кўтариб, ёшли кўзлари билан тикилди: тоға "йўқолган" бурдани узатиб турарди.

## ВАЛАСАПИТ МИНИШНИ БИЛАРКАН!

***Чоллар йўлнинг қоқ ўртасида эдилар.***
***-Ҳо-ой, қочиб қолинглар, тормози йўқ...***
***Нишаб йўлдан овозининг борича жар солиб ўқдай учиб келаётган йигитнинг шитоби мўйсафидларнинг ўтакасини ёраёзди.***

Бошқа маҳал биров қўлтиғидан олмаса, ўрнидан турмайдиган Асқар бува шундай чаққон сакрадики... Ҳайтовур ҳеч кимга шикаст етмади, йўлдан қуюқ чанг кўтарилди. Мўйсафидлар ёқа ушлаганча "ло ҳавла" деб қолишди.

-Ҳе-е, ҳароми, - дея Асқар бува жағига куч берди. – Падарингга лаънат, кимнинг боласи-а? Илоё валасапит минмай кетгур.

-Қарғаманг, биродар, - унинг елкасига қўлини қўйди Марайим бува. - Ўзингизники-я.

-Қанақасига?

-Шодиқулга қуда бўлдингизми, ахир?

Асқар бува ноилож бош ирғади.

-Ўшанинг кенжа ўғли, қизингиз шу болага тушади-да.

-Аниқ танидингизми? – анқайди бўлғуси қайнота.

-Ие, ўғлимга бир девор қўшни-ю, нега танимайман?

-Йигит бўлгандан кейин шўх бўлиши керак-да, а? – минғирлади ўнғайсизланган Асқар бува ва бир нарса эсига тушгандай қўшиб қўйди: - Дарвоқе, уни тракторчиликка ўқиган дейишувди, қаранг, валасапит минишниям биларкан-да, азамат...

**Рустамжон УММАТОВ**

## БОЙВАЧЧАНИНГ БИСОТИ

***Ғиждувонлик Ҳалим исмли йигит дўкон ва ошхона очгач, уч йил ичида Ҳалим бойваччага айланди.***

Бироқ миллионер бўлсанг-да, уйингда тинчлик бўлмаса ёмон экан. Оилада кун ора жанжал. Ҳаммасига Ҳалим бойваччанинг қўшни тумандан иккинчи марта уйлангани сабаб бўлди. Кундошлар бир-биридан қолишмайдиган рашкчи эканлар. Негаки; нариги туманда яшовчи хотин томондан ҳам узуқ-юлуқ гаплар келиб турарди. Кундошларнинг молдунёга ўчлиги ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Уларнинг нафсини қондираман деб оёғи остидаги машинадан ҳам кўра Ҳалим бойваччанинг ўзи чарчаб қолди. Хуллас, пул топишнинг енгилроқ йўлини излашга тушди. Топди ҳам. Аммо кўпга бормади. Гиёҳванд модда олди-сотдиси билан шуғулланиб қўлга тушди.

Буёғи эса маълум. Дарвоқе, кундошлар ҳам қараб туришгани йўқ. Азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлар деганларидек, улар ҳозир Ҳалим бойваччадан қолган бойлик устида талашиб юришибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## "ҚАРЗИМНИ ЭСИМГА СОЛ..."

***Муроджон исмли курсдошим бўларди. Жа-а "ақлли..." Тўрт йил бирга ўқиган бўлсак, бирон маротаба бўлсин, унинг домлалар берган саволга жавоб топганини кўрмаганман. Ҳамиша "билмайман, кечирасиз домла, ўқимабман", деб ер чизиб тураверди. Баъзи пайтлари эса "хотирим сал фаромушроқ, ўқиганим билан барибир эсимдан чиқиб кетади", деб қутуларди.***

У билан ётоқхонада ҳам бирга яшаганмиз. Муроджон қийинчиликка чидаёлмас, шу боис бўғзигача қарзга ботиб кетарди. Талабанинг "пенсия"си чиқиши биланоқ қарзларини тўлаб чиқар, етмаганига яна кимдандир "эртагача" деб олиб, "бировнинг дўпписини бошқага кийдирарди". Ва ҳар гал пулни олиб бўлиши билан, "қарзимни эсга соласизда..." деб ўзининг "паришонхотир"лигини яна бир карра эслатиб қўярди. Кимдир Мурoджoннинг эсига солса, биров арзимаган "чақа"ни сўрагиси келмас, тўғрироғи, юзи чидамасди. Мурoджон эса ҳеч "паришонхотир"лигини ташламасди.

Бир куни мендан беш юз сўм сўради. Бир жойдаги одаммиз, "йўқ" десам уят бўлади, дедим-у гарчи ўзим ошибтошиб кетмаётган бўлсам ҳам айтганини бердим. Пулни чўнтакка уларкан:

-Стипендия чиққанда эслатарсиз-да... – деди муғомбирона.

-Ўзингиз билиб берсангиз ҳам бўлади-ку, - дедим ҳайрон бўлиб. – Одамнинг юзи чидамаса...

-Э, жўра, биласиз, менинг хотирам чатоқроқ, кимдан нима олганимни унутиб қўяман, - деди у ўзини оқлаб.

Орадан бир неча кун ўтгач, унга эслатдим...

-Мурoджон мендан икки ярим минг олгандингиз...

-Қанча? – деди у кўзининг пахтаси чиқиб. – Икки ярим минг?! Нима, сиз мени кимдан қанча олганини билмайдиган аҳмоқ, деб ўйлаяпсизми? Ахир, сиздан бор-йўғи беш юз сўм олганман-ку... Хотираси чатоқ, деб камбағалнинг боласини алдамоқчи бўласиз... Унақамас-да энди...

Шундай деб у менинг олдимга бешта юзталикни жаҳл билан итқитди. Шу-шу мендан бошқа қарз олмадиям, бировга "қарзимни эслатасиз-да" деганини ҳам қайтиб эшитмадим.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# БАШАР МУЛКИ

(Боши 1-бетда)

Кредит ҳисобидан энг замонавий компьютер технологиялари, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник воситалар, енгил ва махсус автомашиналар, қишлоқ хўжалиги юмушларини бажарувчи тракторлар олиб келинади. Жиҳозларни жойлаштириш лойиҳасига кўра 4 та коллежда 10 бошдан қорамол боқишга мўлжалланган мини-фермалар комплексларининг тўлиқ анжомлари келтирилиб, ўрнатилади. Сутни қайта ишлаш цехлари ишга туширилади. Булунғурдаги коллежда эса мевасабзавотларни қайта ишлаш цехи бунёд этилади.

Жиҳозлаш ва қурилиш ишларини юқори савияда амалга ошириш учун вилоят капитал қурилиш бошқармаси буюртмачи сифатида тендер ўтказиладиган бўлди. Коллежларга ажратилган кредит миқдори салкам 5 миллиард сўмга тенглигини ҳисобга олсак, амалга ошириладиган ишлар салмоғини, тендерда иштирок этадиган монтажчи-қурувчилар зиммасидаги масъулият жиддийлигини теранроқ ҳис қилиш мумкин бўлади.

### НОАНЪАНАВИЙ ЯРМАРКА

Самарқанд шаҳрида "Миллий ҳунармандлар ва бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди. Ярмарканинг ноанъанавийлиги шунда эдики, аввало умумтаълим мактабларини битирувчи ёшлар миллий ҳунармандчилик жозибалари билан ошно бўлдилар.

Кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, косибчилик, темирчиликда таниқли усталарни, каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик, чопондўзликда чеварларни уюштирган "Ҳунарманд" уюшмаси, "Усто" бирлашмаси маҳсулотлари намойиши касб танлаётганлар қизиқишини оширди. Айни дамда мустақил ҳаётга йўлланма олаётганлар ўзлари учун муносиб иш ўринлари танладилар. Маҳоратларини оширишга, келгусида етук ҳунарманд бўлишларига раҳнамо бўла оладиган жамоалар билан танишдилар, алоқа ўрнатдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, уста Мирумар Асадов ёшларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб ўтказиладиган бундай ярмаркалар ўзига хос таъсирли дарс эканини айтаркан ўзим ҳам аждодларимиз яратиб қолдирган ўлмас обидаларга боқиб, ҳайратланиб, устозларим даъватидан илҳомланиб, сабоқларидан баҳраманд бўлганман деди.

Ҳаётга йўлланма дарси мазмунига эга бўлган тадбирда таниқли ҳунармандлар иштироки алоҳида моҳият касб этди.

### ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

"Обод маҳалла йили"да Ургут туманидаги "Гулистон" маҳалласида пластик қопламалар ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Тадбиркор Тожиқул Пўлатов маҳсулотлари ДВП, ДСП сингари қурилиш материалларининг ўрнини қоплай олиши, баҳоси эса 30 фоизгача арзон эканини айтади.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, узоқ йиллар давомида тамаки етиштириш билан машғул бўлиб, унинг заҳрини ютиб, ҳузурини кўролмай келган гулистонликлар ҳаётида туб бурилиш даври бошланди деб ҳисоблашмоқда. Қишлоқ ёшлари эрта-индин яна янги-янги корхоналар очилишига, ўзлари танлаган ишнинг этагидан тутишларига ишонмоқдалар. Ишонч эса катта кучдир.

"Акрамобод" ширкат хўжалигида Туркия билан ҳамкорликда гилам тўқиш цехи ишга туширилиб, саксон нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ДАВР

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ҳуқуқ тарғиботи катта ёрдамчилари ҳамда прокуратура органлари муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий газеталарнинг бош муҳаррирлари билан "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни тарғиб қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида амалий семинар ўтказилди.***

Унда Олий Мажлис қўмита раиси Ў.Ҳошимов, Республика Бош прокурори ўринбосари П.Бобожонов, ўқув маркази директори Э.Абзалов, "Правда Востока" газетаси бош муҳаррири Б. Ҳасанов, ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси бошқаруви раиси Х. Дўстмуҳаммад ва бошқалар ўзаро тажриба алмашиш самарадорлиги хусусида гапирдилар. Беш кунлик ўқув машғулотлари прокуратура органлари ва матбуотчилар ҳамкорлигида ҳуқуқий тарғибот ишларини давр талаби даражасида йўлга қўйиш истиқболларини белгилаб берди.

**Ҳамза БОБОМУРОДОВ**

## ОҒУНИНГ ЙЎЛИГА ЯНА БИР ТЎСИҚ

***Термиз шаҳрида Амударё узра қурилган "Дўстлик" кўприги божхона масканини лойиҳалаш дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Унда БМТ вакилларидан А. Деледда хоним, Абдул Карим, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Тошкентдаги вакили К. Мшуниский, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари С. Носировлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар Термиз ва Хайритонни боғлаб турувчи божхона масканини замонавий техника билан жиҳозлаш зарурлиги ва бунинг учун катта миқдордаги маблағ АҚШ, Норвегия каби ривожланган мамлакатлар томонидан ажратилиб, жиҳозлаш лойиҳаси бундан бир йилча аввал бошланганини эътироф этишди. Эндиликда эса лойиҳа тўлиқ режалаштирилди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан кейин божхона масканидаги қабул қилиш ва кузатиб қўйиш пунктларидаги ишлар анча енгиллашади.

**"Туркистон-пресс"**

"БИОСЕРВИС":

# ҲАШАРОТНИНГ КУШАНДАСИ БИЗДА БОР

(Боши 1-бетда)

Зарурат туғилганда танлаб таъсир қилувчи препаратлар қўлланилади. Масалан, ўргимчаккана кўпайган майдонларда фақат шу ҳашаротга таъсир этадиган препаратларни ишлатамиз, албатта. Аммо, таъкидлаш жоизки, айрим майдонларда, қисман аксарият пахтазор, ғаллазорларда ҳосил зараркунандаларига қарши фақат биологик усулда курашамиз.

Биласиз, ўтган 2002 йил қишлоқ хўжалиги учун бирмунча мураккаб келди. Ёзда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши зараркунанда ҳашаротлар кўпайиши учун қулай шароит яратди. Одатда, кўсак қуртининг тўртинчи авлоди кечки ғўзада жуда оз миқдорда учрарди, ривожланиб, кўпайиб кетолмасди. Ўтган йили куз иссиқ келгани боис тўртинчи авлод кўсак қурти ҳосилга бирмунча зарар етказди ва тўйиниб, қишловга кирди. Бу йил қиш қаттиқ келмаганлиги сабабли ҳосил зараркунандалари қишдан беталофат чиқди. Ҳозирги кунда илдиз қурти ғумбакка айланиши бошланганлиги кузатилмоқда. Шу билан бирга кўсак қурти бегона ўтлар, помидорда ривожланиб ғумбакка айланди ва ғўзаси шоналаган майдонларда тухум қўйишни бошлади. Шунинг учун бизнинг хулосамизга кўра трихограмма пашшаларини ана шу шоналаган майдонларга ўз вақтида, сифатли тарқатиляпти. Демак, ҳосил зараркунандалари бу майдонларга бундан буён зиён етказа олмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 63-сонли қарорига асосан туманларда 40 жойда агрокимёвий хизмат кўрсатувчи шохобчалар ташкил этилган. Бу шохобчалар ширкат хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шахсий хўжаликларга кимёвий ўғитлар етказиб бериш билан бирга уларга ҳосил зараркунандаларига қарши курашиш учун турли қўл аппаратлари, моторли пуркагичлар каби жиҳозларни етказиб беради, хизмат кўрсатади.

Ҳозир вилоятимиз бўйича 1592 нафар кузатувчилар фаолият кўрсатмоқда. Шу кунгача пахта майдонларида илдиз қурти (кузги туллам) капалаги ва тухумларига қарши 186 минг гектар (мавжуд пахта майдонларига нисбатан икки баробар) майдонга трихограмма пашшалари тарқатилди. Бу тадбиримиз яхши самара бергани боис бирор гектар майдонни кимёвий усулда ишлов беришга эҳтиёж қолмади.

Бундан ташқари вилоятимиз бўйича 9050 гектар ғўзанинг ашаддий зараркунандаси ўргимчаккана тарқалган майдонлар аниқланиб, бунга қарши 17 минг 406 гектарда кураш ишлари олиб борилмоқда.

Шу кунгача фақат кўсак қуртининг ўзига қарши олти минг гектар майдонда биологик усулда курашдик.

* * *

Пештоқига "Наманган вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акционерлик бирлашмаси "Биосервис" корхонаси" деб ёзилган дарвозадан ичкарилаймиз.

-Николай Меликович Еремиянц номидаги биофабрика эндиликда ана шундай номланади, - дейди Дилмурод, - ана ўзлари...

Ҳамроҳимиз кўрсатган томонга юзланиб, Николай Меликович бюстига кўзимиз тушди.

Корхонага Баҳодир Баҳриддинов раҳбарлик қилар экан.

-Камина асли Бухоронинг Ғиждувониданман, - дейди Баҳодир ака, - бундан чорак аср муқаддам институтни тамомлагач, йўлланма билан шу ерга келгандим Николай Меликовичга меҳрим тушиб, шу ердан уйланиб, қолиб кетдим.

Очиққўнгил, ёруғ юзли бу йигит ўтган йил якунларидан гап очади.

-2002 йилда корхонамиз томонидан 350 килограмм трихограмма, 10 миллион дона габробракон ишлаб чиқардик, - дейди.

-350 килограмм корхона учун оз эмасми? – қизиқамиз.

-Ў-ҳў! Бу жуда катта рақам, - дейди самимий кулиб Баҳодир ака, - 350 килограмм трихограмма биласизми қанча жойга етади. 525 минг гектар майдонга! Бу вилоятдаги мавжуд пахтазорга беш карра биологик усулда курашишга етади. Ўтган йили кўсак қурти, маккажўхори парвонаси, помидор қурти, узумнинг ангир қурти капалаги тухумларига қирон келтириш учун 882 минг гектар майдонга фойдали ҳашаротлар етказиб бердик. Бу вилоятдаги мавжуд экинзор 9 марта биоусулда ишланди дегани бўлади.

Энди, рухсатингиз билан бу усулнинг афзал томонларига тўхталай-да, бунинг инсон ва табиатга мутлоқ безиёнлиги масаланинг бир томони, кони фойда эканлигини айтинг. Мана масалан, бир гектар майдондаги кўсак қуртига қарши кимёвий усулда тальстар препарати қўлланилганда, икки марта ишлов беришга 600 граммдан бир килою 200 грамм препарат кетади. Ана шунча "дори"нинг баҳоси 30 минг сўм туради. Шунча майдонга биологик усулда икки марта курашилганда эса бор-йўғи минг сўм харажат қилинади. Ўттиз баробар арзон!

Корхонада юзга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг иши жуда нозик ва масъулиятли. Ҳар йили август, сентябр ойларида далалардан оналик материали – трихограммалашган капалак тухумлари, кўсак қурти ғумбаклари териб келиниб, махсус идишларда боқилади ва кўпайтирилади. Олинган тухумлар мавжуд 16 линияга қўйилиб, иссиқлиги, намлиги бир меъёрда сақланган ҳолда кўпайтирилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот "Биобашоратусул" лабораториясида текширилиб сертификат ёзиб берилади.

Корхона раҳбари катта лаборантлар Тўхтахон Турғунова, Асила Қаҳҳорова, Моҳира Рустамова, Саидахон Султонова, катта агроном Рисолат Тожиматова, агроном оператор Шокиржон Боқиев, бош агроном Ғафуржон Эгамов каби фидойилар номини ҳурмат билан тилга олди.

Корхонадан қайтаётиб, яна ўша бюстга – Николай Меликовичнинг нуроний чеҳрасига кўзимиз тушди. Устоз ўз шогирдлари, издошлари ишидан мамнундек очиқ чеҳра билан қараб турар эди.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

**Узун туманидаги пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳузурида 1993 йили нотўқима мато ишлаб чиқариш цехи иш бошлаган эди. Аммо кераклик хом ашё шу пайтгача Тошкент, Бухоро, Жарқўрғон тўқимачилик-ип йигирув комбинатларидан келтирилар эди.**

**-Яқинда ҳар йили 110 тонна калава ип тайёрлашга мўлжалланган янги цехни шу ернинг ўзида қуриб ишга туширдик, - дейди нотўқима ва ип йигирув цехи бошлиғи Ўктам Раҳмонов. – Бу билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот – нотўқима матонинг таннархини камайтиришга эришдик. Шу билан бирга, эндиликда ўзимиз вилоятимиздаги корхоналарга тайёр калава ип сотишни бошладик. Янги цехнинг ишга тушиши ўнлаб иш ўринларини юзага келтирди.**



**СУРАТДА: цех ишчилари Мақсуда Нуралиева ва Мунира Бўриева.**

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

## РИВОЖЛАНИШ ИЛДИЗЛАРИ

***Сурхон воҳасида 13 минг 527 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси бўлиб, шундан 12 минг 208 таси ҳозирги пайтда фаолият кўрсатиб турибди.***

- Палатамиз қошидаги марказлар тадбиркорларнинг, тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган фуқароларнинг яқин кўмакчисига айланди, -деди вилоят Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Бахтиёр Эргашев. - Масалан, шу йилнинг биринчи чораги давомида 583 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 1 миллион 511,7 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Шу жумладан 101 та субъектга таъсис ҳужжатларини тайёрлашда 291,3 минг сўмлик, 84 та корхонага бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда 231.8 минг сўмлик, 91 та тадбиркорга бизнес режа ва техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда 257 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Вилоятга чет эл сармояси ва технологиясини олиб келиш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Палатамиз қошидаги ахборот консалтинг маркази орқали 2 та чет эл кредит линияларининг ўзлаштирилиши бўйича ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланган ва мониторинги ўрнатилган. Хусусан, Денов туманидаги "Хайробод маъданли сув" фирмаси "Пахтабанк"дан минерал сув ва ичимликларни қадоқлаш бўйича технология учун 83,5 минг АҚШ доллари миқдорида ҳамда Сариосиё туманидаги "Мифтоҳ" хусусий фирмаси "Маҳаллий банк"дан минерал сув ишлаб чиқариш ва қадоқлаш бўйича олинган 142,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар фикримизга далил бўла олади. Ҳар иккала кредит линияси бугунги кунда молиялаштирилиб, "Хайробод" маъданли сув хусусий фирмаси тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. "Мифтоҳ" хусусий фирмасида эса технологиялар ўрнатиш ва ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

# ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ

***Бухоро туманидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Эгамқул хотинини туғруқхонага элтаётганида ширин ўйлар, орзу-умидлар қуршовида эди. Аммо... таассуфки, чақалоқнинг дунёга келиши оилага бахт, қувонч эмас, ғам-ташвиш етаклаб кирди.***

Шифокорлар хушхабар умидида туғруқхона ҳовлисида бетоқат юрган Эгамқулга боланинг ногирон туғилганини маълум қилдилар. Ота бўлиш бахтини интиқ кутаётган йигитнинг капалаги учди. Кўз олди қоронғилашди. "Туғма ногирон" деган сўз қулоғи остидан кетмай қолди. У ёкда шўрлик онаизор чеккан изтиробларни айтмай қўя қолайлик.

Энг ташвишлиси ҳали олдинда экан. Докторлар гўдакни оғир нуқсонли тоифага киритиб доимий назорат остида сақлаш зарурлигини айтишди. Бу эса чақалоқни вилоят ногирон болалар соғлиғини қайта тиклайдиган даволаш маркази қарамоғига топшириш керак, дегани эди.

Илк бор ота-она бўлиш орзусида ширингина энтикиб кун санаган икки ёшнинг кўнглига қил ҳам сиғмай қолди. Кексалар "Ёшсизлар, ҳали бир этак фарзанд кўрасизлар" дея уларни юпатган бўлишди. Шу тариқа орадан бир йил ўтди. Яна фарзанд кута бошлашди. Кўнгилларининг бир четида ҳадик, хавотир. Тақдирнинг ўйинини қарангки, бу галги чақалоқ ҳам мажруҳ туғилди.

ИРСИЯТ

-Биз тегишли тиббий таҳлиллар ўтказиб, бу эр-хотиннинг ажралишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик, - дейди Бухоро скрининг маркази мудири Аброр Бозоров. – Гап шундаки, улар бир-бирига қариндош эканлар. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғма ногирон, майиб-мажруҳ болалар дунёга келиш эҳтимоли катта.

Шифокорларнинг бу маслаҳатидан сўнг эр-хотин икки ўт орасида қолишди. Негаки, улар чиндан ота-оналарининг раъйига кўра никоҳдан ўтишган, ҳавас қилгулик оила қуришган эди. Қон-қариндошлик ришталари узилиб кетмасин, қудачилик минг йилчилик, дея яхши ниятда қилинган бу ишнинг оқибати ана шундай аянчли чиқди. Энди ёшларнинг ажрашайлик, дейишга тиллари бормайди. Нима бўлганда ҳам икки ярим йил бирга тинч-тотув яшашди. Ажралишса уларнинг тақдири қандай кечади? Қариндошлар ўртасига совуқчилик тушмайдими? Ахир, дарахтга тиғ тегса илдизигача титрайди, деб бежиз айтишмаган. Булар ғишт қолипдан кўчгандан кейинги мулоҳазалар, албатта.

-Шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар юз бермаслиги учун, - дейди Аброр Бозоров. – Бўлғуси келин-куёвларни тўйдан олдин тиббий-генетик кўрикдан ўтказиш, улардаги касалликларни аниқлаш ва даволаш жуда муҳимдир.

Скрининг маркази маълумотларига қараганда Бухоро вилояти бўйича йилига ўртача 260 нафардан зиёд туғма ногирон бола дунёга келаяпти. Бу ҳар йили 260 оилада бир олам қувонч эмас, ташвиш, ғам-андуҳ олиб кирди, деган сўз. Ахир, боласи мажруҳ бўлиб туғилган ота-онанинг қай бири изтиробга тушмайди, руҳан эзилмайди?

Ушбу марказ шифокорларининг кузатишларича, туғма ногирон болаларнинг ўн фоизи қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳосиласидир. Бинобарин, ота-оналар қариндошга қиз узатишдан ўзини тийгани маъқул. Зеро, жамият ҳам ҳар томонлама соғлом фарзандлар дунёга келишидангина манфаатдор.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



# ҲИСОБДА АДАШМАНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ

(Боши 1-бетда)

Ер текислаш, пушта олиш, жўяк олиш, мола бостириш, экиш ва ундан кейинги харажатлар. Ва яна тракторчининг қўлига чойчақа. Хуллас, бир гектар ернинг бир йиллик техник ташвиши 300000 сўмга бораяпти. Деҳқон бу жойдан қанча ҳосил олади-ю, қанча наф кўради? Буни ақлли одам ўйлаши керакми? Ҳозир ихтиёримизда 2 та "Кейс" русумли МХ-135 трактори, 10 та қатор орасига ишлов берувчи тракторлар, 1 та экскаватор, 3 та Россиянинг ғалла комбайни, 6 та юк автомобили ва биттадан "Нексия" ҳамда "Тико"миз бор. Айрим ҳамкасбларимга ўхшаб техника сўраб бировга ялинмайман. Ҳаммаси ўзимда бор. Ўтган йил 20 миллион сўм соф даромад қилдик. Ўзимизга натура тарзида қолган дон, такрорий экин даромади бунга кирмайди.

-Ишингиз зўр экан-да.

-Меҳнат қилаяпмиз-да, шунга яраша. Аммо топияган пулни бугун банкда сақлаб бўлмаслиги ёмон-да. Очиғини айтсам, ҳисоб рақамингизда пул турсаю буни ҳокимлик билиб қолса чатоқ. Ҳали унга, ҳали бунга ўтказиб беринг, деб бошни қотиради. Икки-уч илтимоснинг ўзи 300-400 минг сўмнинг бошини еб кетади. Рости ҳимматниям чегараси бўлиши керакмикин дейман-да. Шу сабабли пул тушдими, дарров керакли нарса олиб, омборга қўяман...

Фермер "Кейс" техникаларини кўрсатди. Янги техника, барибир яхши-да. Ҳавасимиз келди унга. Қаддини кўтарган, хориж фермерларидан қолишмайди.

-Авайлаб ишлатаяпмиз, шу боис янги турибди. Мойи, фильтри вақтида алмашади, бунга пул аямайман, - дейди фермер. – Икковини 40 миллион сўмга олувдим. Ҳозир биттасини 50 миллион сўмга ҳам бермайди.

Ер соҳибининг 3 та комбайни далада. Бир томонда дон, бир томонда сомон. Бошоқдаги донни санадик. Хомчўтимиз гектар бошига ҳосилдорлик 75 центнердан ошишини кўрсатди. Азамат аканинг айтишича, деҳқон учун қанча кўп ҳосил олинса, шунча яхши, аммо 70 центнердан дон йиғиштирилса ҳам Қобиловлар хонадонида катта байрам бўлади. Бу 18 оиланинг ҳар бири камида 8-10 тоннадан ортиқча дон олди дегани-да.

-Агар бу далага бировнинг ё МТПнинг техникаси билан ишлов бериб, ҳосилни ўрсам тахминан 12,5 миллион сўм зарар кўрарканман, - дейди Азамат ака буғдойзор оралаб юраркан. – Шунча пул ўзимга қолса ёмонми? Албатта, яхши. Насиб этса шу йил тағин техника оламан. Хўжалигим қошида алоҳида МТП, автосарой ташкил этиб, ҳамкасбларга катта имкониятлар бериш ниятидаман.

У шу гапни айтди-ю, жимиб қолди. Нигоҳи олис-олисларга қадалган.

"Зўр ишлар қилибсиз. Бунақа ишларни чўлда, оғир шароитда ҳамма ҳам қилавермайди, қойил" дейишимни кутдиёв, деб ўйладим. Ахир қисқа фурсатда бойиб кетган ё каттароқ амалга минган одамлар мақтовни, ҳамду санони хуш кўради-ку... Адашибман, у мутлақо бошқа хаёлда экан.

-Биласизми, ҳамма айб ўзимизда. Сирдарёнинг ери ёмон, шўр босган дейишади. Ҳамма айб ердами, ахир шу заминдан ўнлаб меҳнат қаҳрамонлари чиққанига ҳам кўп бўлгани йўқ-ку... Улар ерни кўзига тўтиё қилиб, тунни кунга улаб ишлашган. Нега биз нуқул айбни об-ҳавога, ерга тўнкаймиз? Ер ночорнинг қўлига ўтиб қолса, парво қилма, техникаси йўқ, барибир ташлаб кетади, деймиз. Ширкатчи раисни, раис ҳокимнинг кўзини шамғалат қилади, ҳоким ундан каттани. Ҳар ким ўз даласида билганча деҳқончилик қилса, айби, гуноҳини ернинг юзига кўммай тер тўкса бўлади-ку...

Айтайлик, шу ерни олганимда бошқаларникидан фарқи йўқ эди. Экскаваторни куну тун ишлатдим. Далага тунги сувчи қўйдим. Мироб билан экскаваторчига чой ташиб куним ўтган. Столга зорманда арoқни ҳам қўйганман. Мақсадим ерни тирилтириш эди. Ниятимга эришдим, шу сабабли бугун мақтанаяпман, ишим ёмон эмас-да. Аммо қорним тўйди деб, ёвғон шўрвага тескари қарамайман. Назаримда, ҳар биримиз шундай бўлишимиз керак.

Мана Гулистон туманидан қайтганимга ҳам ҳафтадан ошди. Фермернинг суҳбатини соғинаяпман... Унинг жўяли, ҳароратли гаплари юракка олов ёққандек.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**

ЮРТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган







"Ҳосил"
жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга маблағингизни "Пахта Банк" нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.



Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

"Пахта Банк" - фаровонлигингиз калитидир!

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### ФАЛАСТИНЛИКЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

***"Jerusalem Post" газетасининг ёзишича, кеча Исроил қамоқхоналарида сақланаётган фаластинликлардан 20 нафари озод этилган.***



Исроил парламентининг мудофаа ва халқаро алоқалар қўмитаси олдида чиқиш қилган "Шан бет" махсус хизмати бошлиғи Ави Дихтер бугун мамлакат қамоқхоналарида 6 мингга яқин фаластинликлар сақланаётганлигини, уларнинг маълум бир қисми озод этилишга лойиқ эканлигини айтган. Дихтернинг фикрича, махсус хизмат ходимлари маҳбусларни турли категорияларга бўлиб чиқишган. Улардан Исроил учун у қадар жиддий зарар етказмаганлари озод этиладилар. Ундан аввалроқ фаластинлик ҳамкасби Маҳмуд Аббос билан учрашган Исроил бош вазири Ариэл Шарон қамоқда сақланаётган фаластинлик маҳбуслар тақдири кўриб чиқилишини айтган эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, бугун "йўл харитаси" режаси бўйича томонлар ижобий қадам қўймоқдалар, дея хабар беради "Ассошиэйтед Пресс" агентлиги.

### ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР

***Россия ички қўшинлар қўмондони ўринбосари Сергей Топчиннинг маълум қилишича, 1999 йилнинг сентябр ойидан бошлаб, Чеченистонда ўтказилган аксилтеррор операцияларида ички қўшинларнинг 2240 нафардан ортиқроқ хизматчиси ҳалок бўлган.***



Россия парламенти юқори палатасининг мудофаа ишлари қўмитаси раҳбари Виктор Озеров эса иккинчи кампания вақтида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хизматчиларидан 13 минг нафардан ошиқроғи ногирон бўлиб қайтганлигини айтган. Шунингдек, Чеченистондан қайтган Россиянинг ҳар 4 ҳарбий хизматчисидан бири руҳий хасталик билан оғриган. Манбаларга кўра, Чеченистонда 75 дан ортиқ тўдалар ҳаракат олиб бораётган бўлиб, улардаги жангарилар сони 1200 нафар атрофида. Шундан 300 га яқини хорижий ёлланма жангарилардир. Уларга қарши эса Россиянинг 26 минг кишилик контингенти кураш олиб бормоқда.

### АСКАРЛАР ЛИБЕРИЯГА ЮБОРИЛАДИ

***CNN агентлигининг хабар беришича, Испанияда турган Америка денгиз пиёда аскарларининг маълум бир қисми Либерияга жўнашга тайёргарлик кўрмоқдалар.***



Уларнинг бош вазифаси Либериядаги АҚШ элчихонаси хавфсизлигини таъминлашдир. Негаки, бугун Либериядаги вазият оғирлашган бўлиб, агарда фуқаролар уруши бошлангудек бўлса, денгиз пиёдачилари мамлакатда турган Америка фуқароларига кўмак берадилар. Кеча эса БМТ бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашини Либерияга тинчликпарвар кучлар киритишга чақирган. Аннаннинг фикрича, тинчликпарвар кучлар фуқаролар урушининг олдини олишга хизмат қилади.

### 12 ЙИЛЛИК ҲИБС

***Жазоирдаги ноқонуний ислом қутқарув фронтининг икки раҳбари 12 йилдан сўнг озодликка чиқди.***



72 ёшли Аббос Мадани ва 47 ёшли Али Белхожлар 1991 йили миллий хавфсизликка раҳна солиш хавфи билан ҳибсга олинган эдилар. Уларнинг адвокатининг айтишича, Мадани ва Белхожлар 5 йил давомида мамлакатнинг сиёсий жараёнига аралашмайдилар. Сўнгги 10 йил ичида ислом жангарилари ва ҳукумат қўшинлари ўртасида юз берган қуролли тўқнашувлар чоғида 100 мингга яқин киши ҳалок бўлди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

"Асака" банки "ЎзДЭУавто" компанияси билан биргаликда автомобилларни 2003 йил 1 августгача КРЕДИТГА сотишни давом эттирмоқда

UZ-DAEWOO

Шошилинг!

Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда



ASAKA BANK

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда 2 йил давомида тўланади.

Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!

Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси турли қалтисликлардан қулай тариф ставкаларида суғурта қилади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-34-78; 133-31-32.

Тўлиқ маълумотлар олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун "ЎзДЭУавто" компаниясининг ҳудудлардаги расмий дилерларига мурожаат этинг.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг.

"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

Утерянный гос.ордер № 07-01/1301 от 24.12.92 г. права собственности Тляумбетовой Светланы Николаевны на квартиру, считать недействительным.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 111-ўрта мактаб томонидан Қаюмов Сарвар Тоҳирович номига 1993 йили берилган АУ № 313287- рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чирчиқ шаҳридаги 2-ўрта таълим мактаби томонидан Шарифова Наргиза Мирхасиловна номига 1992 йили берилган А № 001455-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный временный ордер № 13-03/862 от 22.06.1999 г. на имя Тойчибоевой Манзуры Толяшевны, считать недействительным.

## ПУДРАТЧИЛАРНИНГ САЛМОҚЛИ УЛУШИ

***Фарғона вилояти Бувайда тумани ғаллакорлари бошоқли дон сотиш бўйича шартнома топшириғини қисқа муддатда адо этишга муваффақ бўлдилар. Улар 19010 тоннадан зиёд ғалла, шу жумладан, 810 тонна уруғлик сотиб, юзлари ёруғ бўлди.***

-Ана шу ютуққа 833 оилавий пудратчи, 211 фермер салмоқли улуш қўшишди, - дейди Бувайда тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Бахтиёр Тўрақулов. – Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Биринчи чемпион" фермер хўжалиги соҳиби Нуриниса Раҳмонова, Исроилжон Мадраҳимов, Алижон Мараҳимов, Норқўзи Юсупов сингари оилавий пудратчилар ҳосилдорликни 60-65 центнердан ошириш учун астойдил интилмоқдалар.

**ИНТИЛИШ**

Туман муваффақиятига Маъруф Асқаров бошчилигидаги Амир Темур номли ширкат, Равшанбек Матвалиев етакчилик қилаётган "Дўстлик", Авазбек Умрзоқов раҳбарлигидаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжаликлари ғаллакорлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Туман машина-трактор парки комбайнчилари қудратли техника воситалари ёрдамида ҳосилни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олаётганликлари, автокорхоналар ҳайдовчилари эса уни пешма-пеш манзилга етказаётганликлари ютуқлар омили бўлаяпти. Пудратчилар ва фермерлар ғалла ўрим-йиғимини давом эттиришмоқда. Ҳосилнинг давлат буюртмасидан ортган қисми уни етиштирган миришкорларга берилаяпти. Бу рағбат ғаллакорларни келгусида янада унумли ишлашга даъват этади.

**Ҳайдар АҲМЕДОВ**



**СУРАТДА: 50 центнердан ошириб ғалла етиштирган фермер Нуриниса Раҳмонова.**
М.АСТАНАҚУЛОВ олган сурат.

## БИЗНЕС СОҲАСИДА ҲАМФИКРЛИЛИК

***Тошкентда республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси АҚШнинг Тинчлик институти билан ҳамкорликда бизнес соҳасидаги музокаралар ва муаммолар муҳокамасига қаратилган илмий анжуман ўтказди. Унда пойтахтимиз ва вилоятлардан келган тадбиркор аёллар иштирок этишди.***

Тадбиркор аёллар уюшмасининг юртимизда кичик ва ўрта бизнес тараққиётида аёллар ролини ошириш мақсадида хорижий ишбилармонлар иштирокида турли илмий -амалий семинарларни ташкил этаётгани ўз самарасини бермоқда.

Мазкур анжуманда уммон орти мамлакатининг бизнес ва тадбиркорлик соҳасида катта тажрибага эга бўлган икки нафар мутахассиси турли мавзуларда маърузалар ўқишди.

**"Туркистон-пресс"**

ХАБАР

# МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

***Термизда АҚШнинг Шимолий-Ғарбий шифокорлар лигаси томонидан шошилинч тиббий ёрдам мутахасисиларни тайёрлаш ўқув маркази очилди.***

АҚШнинг шимолий-ғарбий шифокорлар лигаси дунёнинг кўплаб мамлакатларига ўзининг инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб келмокда. Жумладан, ушбу ташкилот томонидан ҳозирга қадар Ўзбекистонга замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлардан иборат 3 миллион АҚШ долларига тенг инсонпарварлик ёрдами келтирилган. Шимолий -ғарбий шифокорлар лигаси эндиликда шошилинч тиббий ёрдам мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўзининг янги лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур лойиҳа асосида Термизда ташкилотнинг ўқув маркази фаолият кўрсата бошлади.

Ташкилот мутахассисларининг эътироф этишича, ушбу ўқув марказида 18 ой мобайнида 864 нафар мутахассисларнинг малакаси оширилиб, сертификатлар берилади. Яқин вакт ичида Қорақалпоғистон республикаси, Қарши, Наманган, Самарқанд сингари вилоятларда ҳам худди шундай шошилинч тиббий ёрдам мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув марказлари очилади.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар амалга оширилаётган янги лойиҳанинг аҳамияти ва қулайликларини алоҳида таъкидлашди.

**"Туркистон-пресс"**

# БОЗОР КЎЗБЎЯМАЧИЛАР МАКОНИ ЭМАС

***Китоблардан ўқиганмиз, қариялардан эшитганмиз – ўтмишда Шарқ мусулмон бозорларида қулф ишлатилмаган.***

Ўғирлик содир этган нобакор – қўли кесилиш билан "мукофотланган". Покиза иймон, мустаҳкам эътиқод, собитлик, маънавий оламнинг бениҳоя латифлиги устун бўлган у даврларда. Шундан-да, аждодларимизнинг аксарияти ғуломгардишига қулф урилмаган бозор тимига ўғирликка кириб, ўзларини боқий дунёнинг дўзах азобларига мустаҳиқ этишни исташмаган. Бировнинг ҳалол луқмасига кўз олайтириб, унинг "ажр"и учун қўли кесилишидан ҳаминқадар тийилганлар...

...Гавжум бозор. Одамлар тирбанд. Пештоқига "Гўшт" дея ёзиб қўйилган бинонинг остонасини ҳатлаб ўтаман. Кун иссиқлиги боис бўлса керак, димоғимга қоннинг кўнгилни айнитадиган даражадаги бадбўй ҳиди урилади. Ҳар қандай одамнинг ҳам кўнгли алланечук бўлиб кетади. Начора. Гўшт харид қилишим керак. Бир томондаги йўлак муюлишига "қўй гўшти" деб ёзиб қўйишибди. Ҳожатбарорликни қаранг, харидорлар қайси томонда қўй гўшт, қайси томонда мол гўшт сотилаётганлигини билмай қолмасин дейишган-да, азаматлар. Кўзим "мол гўшти", деган ёзувга тушиши ҳамоно, елкамда залворли қўлнинг зарбини сездим:

-Братан, қанақа гўшт керай ўзи сизга?..

Бурилиб қарадим. Ёши қирқдан ўтиб, элликларни қоралаган "қассоб"сигарет тутатиб, менга бақрайиб турарди. Енгидаги оқ халатда эса қон доғлари... "Сигарета чекиб, савдо қиларкан, тамаки кули гўштга тушмасмикан", деган фикр ўтди хаёлимдан.

-Менга қўй гўшти керак эди, - дедим қатъий оҳангда.

-Мана-мана, - у шундай деб билагимдан маҳкам ушлади-да, гўшт растаси томон судради (Тавба, дейман ичимда. Олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан, деганими бу!). – Кўринг, ока, кўринг, бугун сўйилган, ана думмаси, келишсак лаҳм қилиб бераман, - у шундай деди-ю, бир парча лаҳм гўштни нақ бурнимнинг тагига олиб келиб тақади, - ҳидланг, ока, ҳидлаб кўринг...

Сотувчининг антиқа қилиқларидан энсам қотиб, гўштга разм соламан.

-Кечирасиз, тақсир, гўшт қўйникимас, эчкиники-ку, -дейман бироз асабийлашаётган бўлсам-да, ўзимни босиб олиб.

-Вей, қанақа одамсиз ўзи. Қўй билан эчки гўштини парқига борасизми?!.

-Фарқига борганим учун айтаяпман-да! Қишлоқда ўсганмиз. Отамиз қўй сўйганларида кўрганмиз-да...

У нималарнидир ғулдираб, ўзини четга олади. Яна расталар орасидан юришда давом этаман.

-Келинг, ока, гўшт оласизми, келинг, арзон қилиб бераман, - дея мени "тавозе" билан кутиб олади семизликдан кўзлари қисилиб кетган "қассоб"йигит.

-Арзони қанча? – дейман қизиқсиниб.

-Келишиб-да, ока, 200-300 сўм дегандай...

-Анави ерда ҳам шу нархда сотишаяпти, шекилли, - ҳайратим аввалгидан-да ошади.

-Эй, ока, уники чиста (ҳақиқий демоқчи) қўй гўштимас.

-Унда нима?!

-Эчкининг гўшти... у, алдаб сотади.

-Сизники-чи?!

-Биззики, чиста қўй гўшти ока...

-Қизиқ бўлди-ю, унда нимага катта қилиб "қўй гўшти" деб ёзиб қўйибсизлар?!

-Ёзилган-да, ока. Ман қаттан билай. Нима ишим бор, мани...

Наҳотки, одамларга ризқ-рўз, насиба, оилаларга қут-барака улашадиган муаззам бир гўша – алдам-қалдамларнинг, кўзбўямачилик ва тубанликларнинг чиркин алафлари нашъу намо қиладиган маконга айланиб бораётган бўлса?! Бир-биримизнинг кўзимизга чўп суқишнинг "ноёб" йўлларини ахтариб топаётган бўлсак... ОХИРАТ нима бўлади?! Ўшанда ўзимизни қай тарзда оқлай олар эканмиз...

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# ЁМҒИР БАҲОНА...

***Автоинспектор ҳайдовчини тўхтатиб унинг ичган-ичмаганини текшираётир.***

-Қани, манави найчага пуфланг-чи!

-Йўғ-е, астмам бор. Пуфлаш мумкин эмас. Мана справкам.

-Унда поликлиникага борамиз. Қонингиз таркибини текшириб кўрамиз.

-Э, эсингиз жойидами. Баданимга игна санчишса, эсимдан оғиб қолай дейман. Мана, справкам бор.

-Унда машинадан чиқиб, олти қадам юриб кўринг-чи!

-И-и, бир қадам ҳам юролмайман. Бўккунча ичганман. Мана ресторанннинг ҳисоб қоғози.

***

Эр кайфи тароқ уйга қайтди. Хотин уйқуда. Аранг кечки овқатни қидириб топди. Қорнини базўр тўйғазиб ухлагани ётди. Эрталаб нонушта пайтида хотинига бақирди:

-Кеча қанақа овқат тайёрловдинг. Шўрванг ғирт бемаза бўлсаям, бир амаллаб ичдим. Гўшт-ку чандир бўлиб кетибди.

Хотин кўзлари олайиб бақирди:

-Вой ўлмасам, эрталабдан буён ўйлайман. Тоғорадаги мағзава билан ичидаги мочалка қаёққа йўқолди, деб.

***

Ёмғир шаррос қуйиб турган пайтда ширакайф сержант казармага кириб, аскарлардан бирига буюрди:

-Тур ўрнингдан, чиқиб гулларни суғор.

НИМТАБАССУМ

-Ўртоқ сержант, ташқарида ёмғир ёғаяпти!

-Шуям баҳона бўлдими? Бор, ёмғирпўшни кийиб ол.

***

Автобусга ичиб олган бир эркак гандираклаб чиқди-да иккита ён қатордаги аёлларни синчиклаб кузата бошлади:

-Муҳтарам хонимлар! Менинг чап томонимдаги аёлларнинг ҳаммаси енгилтак, ўнгдагилар аклан заиф.

Шу пайт чап томондаги аёллардан бири даст ўрнидан турди:

-Нималар деяпсиз? Эрга текканимга ўн йил бўлди. Ҳали бирор марта эримга хиёнат қилганим йўқ.

-Унақада ўнг тарафимга ўтинг.

***

Икки оғайни учрашиб қолишди. Бири иккинчисидан сўрайди:

-Нимагадир хаёлчанроқ бўлиб қолибсан. Тинчликми?

-Биласанми, кеча Шарль билан ўтириб роса ичдик. Шарлнинг кайфи ошиб қолди. Таксига ўтириб, уйига обордим. Эшигини очиб ётоғига олиб кирдим. Хотини ухлаб ётган экан. Сездирмай ёнига ётқизиб қўйдим-у, чиқиб кетдим.

-Зўр иш қилибсан. Нима қипти шунга?

-Биласанми? Бугун эшитиб қолдим. Шарль бир ҳафтадан бери Парижда экан...

***

Судья:

-Сиз нимага асосланган ҳолда айбланувчини маст эди, деган хулосага келдингиз?

-Биласизми, у лифтга кириб олди-да, ярим соатча чиқмади. Ҳеч кимни киришига ҳам йўл бермади. Ахийри, бу телефон будкаси ишламаскан, дея сўкинганча чиқиб кетди.

**Рустам БЕК тайёрлади**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

# ИККИ ЮРАКЛИ КИШИ

***Аргентинада икки юракли йигит яшайди. Бири – ўнг, иккинчиси – чап томонда.***

Унинг ички аъзолари одамларникидан икки ҳисса катта. Қизиғи шундаки, уларнинг феъл-атвори бир-бирига қарама-қарши: кундузи ҳамда тунги икки одамга ўхшаш. Биринчиси – меҳнатсевар ҳамда эс-ҳуши яхши, ақлли, иккинчиси – ишёқмас, ялқов, одамгарчилик фазилатидан узоқда.

* Хитойда йигирма йил сўзлай олмаган уч тилли одамни операция қилишди. Беш ёшида унинг иккинчи ва учинчи тили ўсиб чиққан.

* Сиднейлик эгизаклар Билл ва Джон Баумфилдларни қўни-қўшнилари ажрата олишмаган. Бирга туғилган, бирдек кийинган ҳамда юриш-туришлари ва феъл-атворлари ҳам ўхшаш бўлган. Улар 61 ёшида бир вақтда юрак хасталигидан вафот этишган. Уларни боқий дунёга сафар қилганларида ҳам бирдек кийинтириб, ҳужжатларини ҳам бир ҳамёнга қўйишибди. Қайси бири Билл, қайси бири Джон эканини ажратиб бўлмаганидан, эгизакларни тобутга ҳам бирга ётқизишибди.

**Зуҳра РИХСИЕВА тайёрлади.**

# БАЛИҚНИ ЕНДИРГАН ОДАМ

***Шанхай шаҳрида кўрикка қатнашган инженер Ли Цзянь-Цзюннинг номи "Гиннеснинг рекордлар китоби"га кирди.***

Сичуань провинциясида яшайдиган бу киши ўзининг танасидан 380 вольтли электр қувватини ўтказган. Томошабинларнинг кўз ўнгида у бир қўлида ушлаб турган тирик балиқ ёниб кетган.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

SPORT OLAMIDA

## ЖАМОАЛАРДА ШИДДАТ КУЧЛИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги ярим финал баҳсларининг такрорий учрашувлари пойтахтимизнинг бош жамоаси учун омадли якунланди.***

Тошкентда "Сурхон" жамоаси билан куч синашган "Пахтакор" ўз ишқибозларига ҳужумкор, тезкор ва комбинацион ўйин намойиш этиб, 7:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Дастлабки учрашувда 1:2 ҳисобида "Сурхон"дан енгилган тошкентлик футболчилар энди финалда ўйнашади. Рақиблар дарвозаларига голларни Тожиев (3 та), Бикмаев (2 та), Қосимов ва Солиев ("Пахтакор"), Ҳасанов ("Сурхон") йўллашди. Қаршида "Насаф" – "Навбаҳор" ўртасида ўтказилган такрорий беллашув (3:1) ҳисобида якунланди.

## КЛИЧКО ЛЬЮИС БИЛАН ЯНА УЧРАШАДИ

***WBC ва IBF йўналишлари бўйича оғир вазнли профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони саналган англиялик Леннокс Льюис кичик Рой Жонсга қарши рингга чиқиш ўрнига, украиналик Виталий Кличко билан такрорий учрашув ўтказишга хоҳиш билдирган.***



Ҳозирда ҳар икки боксчининг промоутерлари такрорий жанг бўйича музокараларни бошлашган бўлиб, тахминан у 6 декабр куни ўтказилиши мумкин. 21 июн куни бўлиб ўтган Льюис – Кличко жангида Виталий чап қошининг устидан жиддий жароҳат олганлиги боис, 7 раундда Леннокс техник нокаут билан ғалабага эришган эди. Шундан сўнг Витяни тиббий кўрикдан ўтказган шифокорлар унга 6 ой мобайнида рингга чиқмасликни тавсия этишган.

## БЕКХЭМ 23-РАҚАМ ОСТИДА

***Мадриднинг "Реал" клубининг энг яхши ўйинчиларидан бири саналган аргентиналик Альфредо ди Стефано янги жамоадоши англиялик Дэвид Бекхэмга ўзининг 23- рақам остидаги футболкасини туҳфа этди ва Бекхэм бундан буён 23-рақам билан "Реал" номидан майдонга тушадиган бўлди.***




Янги ўйинчисини "Манчестер Юнайтед"дан 35 миллион еврога сотиб олган "Реал" президенти Флорентино Перес Бекхэмни ўз клубига келгани билан табриклади. Лондонда уч ҳафталик ҳордиқ ўтказадиган Дэвид таътилдан сўнг "Реал"нинг янги мураббийи Карлуш Кейруш билан янги мавсумга тайёргарлик кўра бошлайди. "Реал"нинг янги мавсумдаги биринчи учрашуви 16 август куни "Мальорка" клуби билан бўлиб ўтади.

## ВАНКУВЕР ОЛИМПИАДА МЕЗБОНИ

***Чехия пойтахти Прага шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро олимпия қўмитасининг 115-сессиясида 2010 йили бўлиб ўтадиган қишки олимпиада ўйинларига Канаданинг Ванкувер шаҳри мезбонлик қилиши маълум бўлди.***



Мезбонлик учун Ванкувердан ташқари Австриянинг Зальцбург ва Жанубий Кореянинг Пхенчхан шаҳарлари ҳам талабгорлик қилишган бўлиб, ҳар бир шаҳар вакиллари 45-дақиқалик тақдимот маросими ўтказдилар. Ванкуверни қўллаб-қувватлаш учун Прагага Канада бош вазири Жан Кретьен, машҳур хоккейчи Уэйн Гретцки ва чанғи спорти бўйича олимпия чемпиони Катриона Ле Мей Доэнлар ҳам келишди. Ҳозирга қадар Канада 1976 йилги ёзги олимпиада ўйинларига ўзининг Монреал ва 1988 йилги қишки ўйинларга Калгари шаҳарлари билан мезбонлик қилган.

## ХАДЖИ ТУРКИЯГА ҚАЙТМОҚДА

***Руминиялик тажрибали футболчи Георгий Хаджи эндиликда Туркиянинг "Бурсаспор" клубига мураббийлик қилади.***

Ушбу давлатнинг "Галатасарай" клубида ҳам тўп сурган Хаджига "Бурсаспор" президенти хорижлик футболчиларни сотиб олишига ҳам алоҳида маблағ берилишини айтди. Сўнгги пайтда Румыния термасига ярим йил мураббийлик қилган Хаджи ўз жамоаси 2002 йилги жаҳон чемпионатида муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, истеъфога чиққан эди.

## ЛАЙЛО АЛИ РИНГГА ЧИҚАДИ

***Аёл боксчилар ўртасида энг кучлилардан дея ҳисобланган 25 ёшли Лайло Али 23 август куни Кристи Мартинга қарши рингга чиқади.***

Афсонавий боксчи Муҳаммад Алининг қизи Лайло хоним ҳозирга қадар 15 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонган, шунингдек, 12 тасида рақибини нокаутга учратган. У сўнгги учрашувини 21 июн куни Льюис – Кличко жанги билан бир пайтда ўтказиб, 8-раундда Валери Мэфудни ерга қулатган эди. Унинг бўлғуси рақиби Кристи эса ўтган асрнинг 90-йилларидаги аёллар боксининг ёркин юлдузидир.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

"Ўзсабзавотнавуруғлари" уюшмаси жамоаси Жиззах туманидаги Н.Абдуолимов номли ширкат хўжалиги раиси Фуркат Тўйчиевга волидаи муҳтарамаси

**ҲИКОЯТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(Боши 1-бетда)

# ҲАЛҚАЛАР...

-Тоза олиб қочасан-да! – деди унинг бу гапига Собир. – Икки юз йил эмиш! Ҳа, энди, юз йил десанг, ишонардим... балки. Чинор сен айтганча яшамайди.

Йигитали бошини кўтарди:

-Нималар деяпсан? Ахир, чинор минг йилдан кўп умр кўради-ку!

-Лоф қилма...

-Ишонмайсанми?

-Ишонмайман! Айтдим-ку, бўлса – юз йилча бўлгандир, ундан кўп эмас.

Йигитали жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Арокдан қизарган кўзларини дўстига тикди:

-Баҳс бойлашасанми, шу чинорга нақ...

-Баҳс?! – унинг сўзини бўлди Собир мастона жилмайиб. – Қандай қилиб баҳс бойлаймиз? Кимдан сўраймиз? Нима, икки юз йилдан буён яшаётган одамни... излаб топмоқчимисан? Ҳа-ҳа-ҳа! Во-ха-ха! – ўзининг ҳазилидан завқланиб кулди Собир. – Ичакни уздинг-ку, галварс! Вой, ичим...

Унинг қотиб-қотиб кулишидан, ўзини масхара қилаётганларидан Йигиталининг баттар ғазаби қайнади:

-Ҳозир исботлайман! Мен сенга... кулишни кўрсатиб қўяман! Багажникда болта бор эди-я?

-Бор... шекилли, - тушунмайроқ жавоб берди Собир.

-Аррачи?

-Бўлса керак... аммо, эсимда йўқ, - энди сал ҳайрон бўлиб жавоб берди у.

Сўнг жаҳли чиққан дўстининг гандираклаганча машина томон кетаётганини тушунмай, елкасини қисганча томоша қилиб турди.

Йигитали кўп ўтмай бир қўлида болта, иккинчи қўлида арра билан қайтиб келди. Буни кўриб Собир ўрнидан туради.

-Н-нима қилмоқчисан?! – қўрққанидан ранги оқариб кетганди Собирнинг.

-Ишинг бўлмасин! – деди ҳали жаҳлидан тушмаган дўсти. – Агарда билмасанг – билиб қўй: дарахтлар қанча яшасалар – уларнинг танасида шунча ҳалқа бўлади. Юз йил яшаган бўлса – юзта, икки юз йил яшаган бўлса – икки юзта. Буни ҳар қандай мактаб ўқувчиси билади-ку! Бизнинг "профессор"нинг бундан хабари йўқ экан-да?! – ўз ўрнида устидан кулгани учун дўстидан "ўч" ола бошлади Йигитали киноя билан.

-Эсимда... – деди Собир сал-пал ўзига келаркан. - Ўткандик қайси бир дарсда... Химиядами-ей...

-Хи-имия! – уни калака қилди Йигитали. – Бундай нарсаларга сенинг ақлинг етмайди. Аррани ушла! Ҳозир иккаламиз чинорни кесамиз-да, унинг танасидаги ҳалқаларни санаймиз. Ким ютқазса – битта зиёфат қилиб беради. Ютқаздим, деявер... Нега даминг ичингга тушиб кетди? Қўрқаяпсанми... зиёфатга тушгани? А?

Собир қуриқшаган лабини ялади:

-Қандоқ бўлар экан... чинорни кесиш... Шундай дарахтни-я! Балки... керак эмасдир?

-Демак – ютқаздинг? Тан оласанми?

Собир иккиланиб, бошини қашиб турдида, чуқур хўрсиниб:

-Бўпти... лекин... кел, яна юзта-юзтадан олайлик! Ҳеч одамнинг қўли... – деди.

-Ха-ха-ха! Дадиллик учун, де? Мана шундай бўлади, бировнинг устидан кулиш...

...Арранинг шовқинидан, болтанинг тарақ-туруғидан ухлаб ётган учинчи улфат – Мўминжон уйғониб кетди. У ҳеч нарсага тушунмай, ҳамроҳларига анча вақт қараб турди. Улардан нима қилаётганликларини сўрамоқчи бўлди-ю, сўнг хафсаласизлик билан қўл силкиб унинг ҳали кайфи тарқамаганди – бўйнига сочиқни ташлади-да, аввал буталар орасига кирди, сўнг, чўмилгани анҳор томон кетди.

У чайқалиб-чайқалиб борарди...

...Мўминжон қайтиб келганида, ҳозиргина ўзларига соя ташлаб турган улкан чинор ён-атрофидаги ёш ниҳолларни босиб-янчиб, бор бўйи билан ағдарилиб ётарди. Йигитали ва Собир эса кесилган чинор кундаси устига чиқиб олиб, бутун оламни унутиб, бармоқларини чинорнинг билинар-билинмас ҳалқаларига нуқиб санашарди...

Мўминжон тушунмади: нима бўлаяпти бу ерда? Нега бу чинор ерда ётибди? Ёпирай! Анави жиннилар... нима қилаяптилар? Улар... кесдиларми чинорни?! Нега?!

Дўстлари, ниҳоят бошларини кўтардилар: берилиб, диққат билан санаганларидан пешоналарида пайдо бўлган терни кафтлари билан артдилар, сўнг бир-бирларига мамнун бўлиб қарадилар.

Собиржон деди:

-Юз эллик йил бўлган экан... Сен эса икки юз йил дегандинг...

-Сен бўлсанг – юз йил... Иккаламиз ҳам хато қилибмиз... Энди зиёфат нима бўлади?

Уларнинг суҳбатини тинглаб турган Мўминжон бақириб юборди:

-Нима?! Баҳслашувдиларингми?! Шу баҳсни деб... шу зиёфатни деб...юз эллик йиллик чинорни кесдиларингми? Бу ишларинг учун ҳали табиат олдида, одамлар олдида жавоб берасанлар! Ноинсофлар! Аблаҳлар!

-Нега сўкинасан?! – уни жеркиди Йигитали. – Тирилдингми? Ҳали ётаверсанг бўлармиди?! Сенга нима? Ё, ўзинг экиб қўйганмисан? Агар биз уни кесмаганимизда, неча йил яшаганини қаердан билардик? Одам... ҳамма нарсани билиши керак! Тўғрими? – худди кўмак сўрагандек Собирга мурожаат қилди у.

Собир кўзларини олиб қочди:

-Тўғри...

-Ана, айтмаганмидим! – хурсанд бўлди Йигитали. У энди жиндек хижолатлангандек эди. – Зиёфатга келсак на илож, - у Собирга имо қилди, - мана бу иккаламизнинг ҳисобимиздан бўлади. ...Кел, аразлашмайлик, шу ... арзимаган дарахт учун. Қара, атрофда кўп-ку, бунақа... чинорлар. Сен ҳам келасанми... зиёфатга? Келасанми?

Мўминжон унинг сўзларини эшитмасди: ё, ҳозиргина муздек сувда ювингани учунми, ёки дўстларининг қилиб қўйган ишларини кўрибми, кайфи бутунлай тарқаб кетганди. Унинг нима воқеа рўй берганига ҳамон ақли етмас, туш кўраяпманми, деб ўйлар, нигоҳини ағдарилиб ётган улкан чинордан олмасди.

**Иброҳим ЧОРИЕВ**

Хонобод манзаралари



Х.МАМАДАЛИЕВ олган сурат-лавҳа.

# ЮРТНИ КУЙЛАЁТГАН ЖУРНАЛИСТ

***Тошкентга йўлим тушди-ю, телевидениеда ишлайдиган бир танишимдан сўрадим: "Менга ҳамиша аёл дарди, ҳасрати, қалби ҳақида тўлиб-тошиб кўрсатувлар тайёрлайдиган журналист опа керак эди". "Э, у кишими, Инобат Нормуродова-ку", деди танишим.***

Сўраб-суриштириб билишимча, Инобат опа Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган экан. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб, "Шарқ Юлдузи" журналида иш бошлаган. 1991 йилдан буён республика телевидениесида хизмат қилади. Қатор кўрсатувлари телетомошабинлар олқишини қозонган. Айниқса, оддий одамлар кўнглини топиб гапириш, юрагига йўл топиш - ижодкорнинг бош мавзуси. Кўрсатувлари юзасидан телевидениега минглаб хатлар келиб туради. Ана шундай кўрсатувлардан бири – "Аёл ҳақида сўз" деб номланади. Инобат опа севиб тайёрлайдиган кўрсатувлардан яна бири – "Пахтазорга оқшом қўнганда" эканлигини телеэркан мухлислари яхши билишади. Юзаки қараганда, у шунчаки қишлоқ хўжалиги мавзуидаги кўрсатув бўлиб кўринса-да, аслида унда дала кишиларининг заҳмати, руҳияти, турмуш ташвишлари, эртанги кундан умидворлик туйғулари ҳаққоний, самимий ифода этилади. "Юрт ҳақида қўшиқ" деб номланадиган кўрсатув ҳам Инобат Нормуродовага яхшигина ютуқ олиб келди.

ИЗҲОР

-Қаерга борсам, ўша ернинг тупроғи, бунёдкорлари билан қизиқаман, - деб қолди у суҳбатларимизнинг бирида. – Қайсики юрт тупроғи парвариш кўрган бўлса, одамлари меҳнаткаш, деган хулосага келаман.

Инобат Нормуродова ҳозир Ўзбекистон телевидениесининг "Сиёсат" студиясида катта муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатиб келмокда. Тиришқоқ, меҳнаткаш журналист. Буни унинг гоҳ ижтимоий, гоҳ қонунчилик мавзуларида тайёрлаётган кўрсатувлари салмоғидан ҳам билсак бўлади.

**Илҳом КАРОМОВ**

# ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

***Саратон. Ёзнинг чилласи. Лекин негадир чилла чиллага ўхшамайди.***

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга қараганда, 4-5 июл кунлари республикамизнинг жанубида секундига 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати тунда +21+26 даражагача, 5-7 июл кунлари эса кундузи +38 даражагача кўтарилиши кутилмокда.

Фарғона водийсида шамолнинг тезлиги анча паст бўлади. Куннинг иссиқлиги кундузи +35, кечқурун +24 даражагача кўтарилади.

Орол атрофидаги экологик вазиятнинг бузилиши, нафақат Қорақалпоғистон ва Хоразмга, балки Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидаги об-ҳавога ҳам бирмунча таъсир ўтказмоқда. Бу вилоятларда меҳнат қилаётганлар, ғўзани гармселдан сақлаш мақсадида экинга жиддийроқ эътибор қаратишлари лозим. Май-июн ойларидаги ҳароратнинг паст бўлгани боис, ғўза етарли иссиқликни ололмади. Мутахассисларнинг фикрича, саратонда ҳароратнинг юқори бўлиши кутилмоқда.

-Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида об-ҳаво ўзгариб туради, - деди Республика гидрометеорология маркази бошлиғи Фотима Қосимова. – Шарқдан ғарбга қараб 7-12 м/с тезликда шамол эсади. 4-5 июл кунлари эса шамолнинг бироз кучайиши кутилмоқда. Тунги ҳарорат +19+24 даражани, 6-7 июл кунлари эса +16+21 даража иссиқ бўлади. Шу кунлари ҳаво ҳарорати кундуз куни +35 даражагача етиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларининг айрим жойларида 4 июл куни қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси +16+21 даражагача, кундузи эса +32+37 даражагача етади.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Буюртма Г-554, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6